



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (12.077)

Баҳоси эркин нарҳда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил тараққий этаётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожида, аҳоли фаровонлигининг тобора юксалишида мухим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, ялпи ички маҳсулотда соҳанинг улуши 54 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир.



БАНКЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Бундай юқсан натижаларга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз банклари томонидан молиявий кўллаб-куватланаётгани ҳам мухим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноёбрада қабул қилинган «2011-2015 йillardа Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва баркарорлигини ошириш ҳамда юқори ҳалқаро рейтинг кўрсатчиларига эришишинг устувор йўналишлари тўғрисида» га Корори мамлакатимиз тижорат банклари фаолиги ва баркарорлигини оширишда мухим дастурумалам бўлмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакатимизнинг барча миңтақаларида тадбиркорлик соҳаси вакиллари орасида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини кўллаб-куватлашда банк тизимининг ўрни, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишониш ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилди.

Сўровдаги натижалари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ҳамоҳангтарда амалга оширилётган иқтисодий ислоҳотлар жараённада банк тизими ўзига хос юқори мавкега эга эканини тасдиқлади. Энг мухими, банкларнинг асосий устувор вазифалари сўралганинг кўпчилиги томонидан тўғри ётироф этилди. Аксарият респондентлар томонидан мамлакатимиз банклари умумий фаолияти юқсан баҳоланди.

Кўпчилик тижорат банкларида таклиф этилётган омонатларнинг кенг қарорлилиги, мизқорларга янги замонавий технологиялар асосида юқори даражада

хизмат кўрсатилаётганини, банклар томонидан маслаҳат бериш ва масаланинг ечимида яқиндан ёрдан кўрсатиш ишлари олиб борилаётганини алоҳида кайд этилди. Хусусан, тадбиркорларнинг катта қисми тадбиркорлик субъектларига кредит бериш бўйича банклар фаолиятидан маннун эканини билдири.

Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш, жумладан, таълим мусассалари, айниска, касб-хунар коллекцияларни битиривчиларининг бизнес лойиҳаларини кўллаб-куватлаш, тадбиркор аёлларга кредитлар берши кўлами кенгимоқда. Респондентларнинг катта қисми янги иш ўрнини яратишида, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда мазкур кreditlар мухим аҳамият касб этаётганини маълум килган.

Сўровда қатнашгандарнинг 92,5 фоизи тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг ўйла кўйилганини кайд этилди. Уларнинг бўйларишига, ажратilaётgan кредитлардан асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжуд корхоналарнинг янги технологиялар асосида модернизацияни килиш, замон талаблари асосида бино ва иншоотларни куриш каби мақсадлардағи фойдаланилаётir.

Мамлакатимизда хотин-қиззарларнинг жамиятдаги мавқенини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилишни максадида тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида алмала оширилётган ишлар хам респондентлар томонидан алоҳида ётироф этилган. Иштирокчиларнинг кўпчилиги (88,3 фоизи) тижорат банкларида тадбиркор аёллар учун кредит-

лар ажратиш масаласига алоҳида ётироф каратилаётганини кайд этилди.

Бундай ташкири, ўй-жой сотиги олиш ва куриш, истемол товарлари харид килиш, таълим шартномаларини тўлаш бўйича банклар томонидан борилаётган кредитлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириша хизмат килаётганини респондентларнинг катта қисми томонидан ётироф этилди.

Аксарият респондентлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларида мунтазам ишлаб келётган «ишонч телефонлари» банк соҳаси билан боғлиқ масалаларнинг тезкорлик билан ҳал этишида кўмак беряётганини таъкидлаган. Сўровда иштирок этиган тадбиркорлар тижорат банклари ва унинг филиалларидан ташкил этилган «Тадбиркорлар хонаси»га ташриф буюриб, тегишли ходимлардан зарур маслаҳатларни олаётганини ва банк хизматлари бўйича материаллардан унумли фойдаланаётганини маълум килган.

Сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари томонидан жойларда ташкил этилаётган учрашувлар тадбиркорлар учун яратилган куляйлик ва имкониятларни ҳақида маълумот берши, ушбу соҳа вакилларнинг олдида турган муммомларга ёрдам кўрсатиш мақсадида зарур маслаҳатларни олишни мавжуд масалаларнинг ечинини топиши мухим аҳамият касб этаётганини таъкидлаган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материјалларни асосида ЎзА мухбири Х.БЕРДИЕВ тайёрлади

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК ЯРМАРКАСИДА

Испаниянинг Мадрид шаҳрида 18-22 январь кунлари бўлиб ўтган «FITUR - 2012» халқаро сайёхлик ярмаркасида мамлакатимизнинг туристик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёхлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, юртимиз сайёхлик салоҳиятини хориҷда кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилётган кенг кўлами ишлар ўз самараларини бермоқда. Мамлакатимизга келаётган сайёхлар сони тобора ѿшиб бормоқда. Хорижлик сайёхларни Ўзбекистонга кенг жалб этишда турли ҳалқаро кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

«FITUR - 2012» халқаро сайёхлик ярмаркаси Ўзбекистоннинг сайёхлик соҳида салоҳиятини тўла намойиш этиш учун кулагай имконият бўлди. Таъкидлашозимиз, «FITUR» энг йирик ҳалқаро ярмаркалардан бирни саналади. Маълумотларга кўра, бу галги ярмаркада 167 мамлакатдан ўн мингга яқин сайёхлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этган.

Мадридда ўтказилган нуфузли туризм форумида Ўзбекистон милий стендидан ўзининг бетакор дизайнни билан ярмарка иштирокчилари ва меҳмонлари ётибори марказида бўлди. Унда ёрқин миллий матолар, мамлакатимизнинг гўзлар масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос мухит яратилган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг диккатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар сайёхлик ярмаркаси иштирокчилари ётиборига ҳавола этилди.

Халқаро сайёхлик ярмаркасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво ўйлари», «Ўзбекистон темир ўйлари», шунингдек, «El Mundo Tour», «Marco Polo Central Asia Travel» ва «Megatour» каби туристик компаниялари иштирок ҳавола этилди.

«Ўзбектуризм» компаниясидан маълум килишларича, ушбу ҳалқаро ярмаркада иштирок этиш туризм соҳасидаги ўзаро њамкорликини янада ривожлантириш, иккнива кўп томонлама манбаатли шартномаларни тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденциаларини анилаш, жаҳон сайёхлик бозорига янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берган.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бўстонлик туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари кўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигига «Ўзбекистонда оила институтининг ҳуқуқий асосларини таомилластириш: амалиёт ва конунчилик» мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳайъатининг солиқ органларининг 2011 йилдаги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларига бағишиланган кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

• Бекобод шаҳрининг «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудидаги 34-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» Республика кўриктанловининг Тошкент вилояти босқичида биринчи ўринни эгаллади.

• Мингбулоқ туманининг Жомашўй шаҳарчасидаги «Мингбулоқ мебель сервис» хусусий корхонаси кенг кўлами модернизациялаштириш тадбирлари амалга оширилган, бу ерда тайёрланётган маҳсулотлар тури 14 тага етди. Лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 48 миллион сўмлик молиявий кўмагидан унумли фойдаланилди. Хориждан кеялтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида ошхона, ётоқхона, мехмонхона учун мўлжалланган сифатли мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дастлабки 30 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар сотувга чиқарилди. Эътиборлиси, ўтган йили туманда шу каби истиқболи лойиҳаларни амалга ошириш учун барча манбалар хисобидан 8,9 миллиард сўм ҳамда 1 миллион АҚШ долларилик маблаг сарфланди.

• Хивалик Гулноза Авезова саъиҳаракати билан лойиҳа қиймати 160 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технologik линия фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, бу ерда гўштини қайта ишлаш ҳам йўлга кўйилди. Муҳими, 12 та иш ўрни яратилган корхонада дастлабки 15 миллион сўмликдан зиёд сифатли озик-овқат маҳсулотлари тайёрланди. Таъкидлаш керакки, Хива туманида 2011 йилда шу каби 865 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

• АҚШ жанубида рўй берган кучли тўғон оқибатида юздан ортиқ одам бэрланди.

• Японияда 5,1 балли зилзила содир бўлди. Жабр кўрганлар ва вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ.

• Европа Иттифоқи Эрон нефтининг экспорт қилинишини босқичма-босқич тақиқламоқда,

• «Коста Конкордия» кемасининг ҳалқати натижасида қурбон бўлганларнинг 15 нафарга етди.

• Россиянинг «Прогресс» юк ташувчи кемаси ҳалқаро космик станциясидан ажралиб чиқди.

• Янги Зеландия қирғокларига 90 га яқин қора дельфинлар чиқиб қолган. Таъиат ресурсларини муҳофаза қилиш департamenti ҳодимлари ушбу денгиз жонзотларини кутқаришда аҳолини ёрдамга чақириган.

• Янги енгил автомобиллар айрим Европа давлатларида камдан-кам харид қилина бошлади. Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси вакилларининг гапига қараганда, Европа Иттифоқида енгил автомобилларнинг рўйхати олинишидаги умумий кўрсаткич 2011 йил ҳолатига кўра икки фоизгача камайган.

Қарор ва ижро

ЎЗБЕКИСТОН – ИСТЕДОДЛАР МАМЛАКАТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иштедодли ёшларни тарбиялаш, манавиятини юксалтиришда санъатнинг барча йўналишлари каби мусиқани жадал равнақ топтиришга қаратилаётган улкан ётироб ва ғамхўрлик ҳалқаро миқёсда ҳам алоҳида ётироф этилмоқда. Ёш мусиқачиларимиз иштирокида ўтказилаётган кўллаб иштедодларни кашф этишда мухим омил бўлаётir.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғараси, Маданият ва спорт ишлари вазирилиги ҳамкорлигига ташкил ишлаб келишади. Форумни 2009-2014 йillardа мўлжалланган давлат дастурни тўғрисида га Корори ёшлар иштедодини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъати намуналаридан баҳраманд бўлишида кенг имкониятлар оғизиди.

Ташкилоти Сергели ўқув спорт техника клуби томонидан Сергели саноат касб-хунар коллежида «Мен ҳарбий хизматга бораман» мусобақаси ташкил этилди.

ваффакиятли амалга оширилмоқда. «Янги авлод», «Асрлар садоси», «Келажак овози» сингари кўрик-тандовлар ва фестиваллар, устоз санъаткор ва бастакорлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари бунинг далилидир.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбириларимиз хабарларидан.

✓ АДЛИЯ вазирилиги ташаббуси билан Мустаҳкам оила — жамият пойдевори мавзудида давра сұхбати бўлиб ўтди.

